



» Хушxabар

## Қалблар фахрга тўлди



Адашмасам, у пайтларда талаба эдик. Ижарага квартирада туриб, ўқишдан бўш вақт бўлганда озроқ бўлса ҳам пул топиш илнжида у-бу ишларни қилиб юрардик. Биз билан яшайдиган ёши каттароқ ака-миз бир куни янгилик топиб келди. Айти-

шича, кўплаб касб эгаларини Корея Республикасига ишга олиб кетишяётганмиш. Та-ниш-билишларнинг баъзилари бу хабарни эшитиб, хурсанд бўлишди. Лекин бу жараёнда ўз ишининг устаси бўлишдан ташқари корейс тилини ҳам билиш шарт эканлигини билишгач, ҳавоси чиққан шар-дек бўшашиб қолишди. Ахир, уларнинг ҳеч бири корейс тили тугул рус ёки инглиз тилини ҳам билмас эди. Демак, Кореяга кетишнинг иложи йўқ.

Уддабуронлар бунинг ҳам йўлини топишди. Қаранки, шу топда Кореяга ишга юборадиган ташкилот қошида корейс тилини ўргатувчи марказ фаолияти йўлга қўйилди. Бир ой давомида бир дунё пул эвазига ўқийсиз, кейин имтиҳон ўтказилади, имтиҳондан етарлича балл тўплай олсангиз, хорижга кетиш имкониятини қўлга киритасиз. Баъзилар ўқиди, кимдир ўтди, кимдир ўтолмай, курс учун тўлаган пулига қуйиб қолаверди.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда



### Маданият вазири туркиялик олимлар даврасида

2-саҳифада »

### Қишлоғимга қадрият қайтди

3-саҳифада »

### Миллийликни чопон ёки дўппидан эмас, катталар ўғитидан излайлик

6-саҳифада »

» Тарих ва замонавийлик

## Ўзбекистонда янги лойиҳа



Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси замонавий кутубхона, коворкинг маркази, кинотеатр ва реставрация лабораториясини ўз ичига олган янги турдаги таълим муассасаси ташкил этилаётгани ҳақида хабар беради.

Собиқ "Интурист" маданий-ахборот маркази биноси (манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 47-уй) 1987 йилда қурилган бўлиб, мустақиллик йиллари унда Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси идораси жойлашган эди. Эндиликда тўлиқ реконструкциядан сўнг янги мажмуада бирданига иккита янги маданият муассасаси – Франция мада-

ний маркази ва Маданий мерос объектларини тиклаш маркази жойлаштирилиши режалаштирилган. Келажакда ушбу бинодан Жамғарма офиси ҳам ўрин олади.

Мажмуада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Шунингдек, унга нафақат реставраторлар, балки этнограф олимлар, тарихчилар ва санъатшунослар ҳам жалб этилади. Ушбу жараён очиқ тартибда амалга оширилиб, тиклаш ишларини кузатиш ёки ушбу касбни малакали мутахассислардан ўрганиш ҳам мумкин бўлади.

Мазкур бинода жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий кинотеатр ва ҳамма учун очиқ кафе ҳам ишга туширилади. Тарих ва замонавийлик уйғунлиги туфай-

ли ёшлар музей бизнесига жалб қилинади ҳамда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё талабига жавоб берадиган реставраторларнинг янги авлоди пайдо бўлишига эришилади.

Бинонинг дизайн лойиҳаси Grace бюроси асосчилари Екатерина Головатюк ва Гиасомо Сантони томонидан яратилган. Меъмор сўзига кўра, лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири бинодан ўрин олган барча деталларни имкон даражасида сақлаб қолишдир. Лойиҳада бинонинг фасад қисмига алоҳида эътибор қаратилган. Асл қиёфани сақлаб қолиш, майдонни кенгайтириш ва кўпроқ функционал имкониятлар учун янги гоёлар ва

юқори технологияли материаллар, жумладан, шаффоф шиша толали панжаралар қўлланилади. Бу эса мавжуд гиштли ишланмаларни иқлим омиллари таъсиридан химоя қилади.

Жамғарма ижрочи директори Гаёне Умерованинг сўзларига кўра, Франциядаги Миллий тикланиш маркази ва Жамғарма ўртасида Ўзбекистонда тиклаш марказини ташкил этиш бўйича Франция мутахассислари билан кўмак-маслаҳатлашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, 2022 йилда Парижнинг Лувр музейида Ўзбекистондаги 300 дан ортиқ экспонатлар намойиш этиладиган кўرғазма ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Донорлар сузлайди...



Жўяли савол ярим билимдир.  
Жалолиддин Румий

Инсоннинг қадрини ўлчаш учун инсон ўзи тайёрлаган бузуқ тарозини эмас, Холиқи тайёрлаган одил тарозини ишлатиши керак.  
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Агар яхши кишининг ёмон бўлса боласи, Гуноҳқордир ўзи ҳам, беҳуда оҳ-ноласи.  
А.Рўдакий

» Таклиф

## Ташаббускор тадбиркорлар диққатига!



Бухорода Маданий мерос объектларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича инвестицион таклифлар ишлаб чиқилди.

Сўнги бир йил ичида Бухоро вилоятида жойлашган моддий маданий меросимиз бўлган тарихий обидаларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ҳамда уларни юртимиз ва халқаро ҳамжамиятда кенг тарғиб этиш, шунингдек, бизнес муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиб, хорижий ва маҳаллий инвесторларга қатор қулайликлар яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг 2019 йил 5 январдаги ПК-4095-сонли қарорига мувофиқ ҳудудда туризм инфратузилмаси объектлари жойлашган ёки барпо этиладиган моддий маданий мерос объектларини 30 йилга, бироқ 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага бериш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят маданий мерос бошқармаси томонидан шаҳардаги бўш турган маданий мерос объектларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича инвестицион таклифлар каталоги ишлаб чиқилди.

Унга кўра, бўш турган маданий мерос объектларини инвестиция киритиш йўли билан реставрация қилган

ҳолда туризм инфратузилмаси объектларини ташкил қиладиган хорижий ва маҳаллий тадбиркорларга узоқ муддатга (10 – 30 йилга), 5 йил имтиёзли давр (ижара тўловидан озод этилади) билан ижарага берилиши режалаштирилган. Қизиқиш билдирган тадбиркорлар объектлар бўйича қўшимча ахборотларни ва уларни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги маълумотларни Бухоро вилоят маданий мерос бошқармасидан (+99891-410-83-00) олишлари мумкин.

Бухоро вилоят маданий мерос бошқармаси матбуот хизмати

» Давоми. Боши 1-саҳифада

## Қалблар фаҳрга тўлди

Ишга кетиш истагида бўлганларнинг ҳаммаси ҳам бир ой давомида ўтказилган ўқув курсларида хорижий тилни ўзлаштира олмас, шунинг учун ҳам гарчи ўз ишининг устаси бўлса-да, тилни яхши билмаганлиги сабаб бу имкониятни қўлдан чиқарар эди.

Ана шундай пайтда баъзилар она тилимиз ҳам жаҳон тилларидан бири эмаслигидан нолир, ёшлигида қайсидир хорижий тилни чуқурроқ ўрганмаганлигидан афсусланади.

Бугунга келиб, тил масаласида кейинги бир неча ой ичида кўтарилган масалалар, ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар, бунга нисбатан билдирилган фикрлар, кўрсатилган қаршиликлар ҳақида яна бир марта эслатишни ҳожати бўлмаса керак...

Бундан олти ой аввал чет давлат фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш киритиш юзасидан таклифлар кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган.

Мана, олти ой бирпасда ўтиб кетди. 2020 йил 15 сентябрдан бошлаб “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун кучга кирди.

Мазкур Қонуннинг 19-моддасига Ўзбекистон фуқаролигига умумий тартибда қабул қилишнинг асосий шартларидан бири сифатида ариза топширган шахснинг давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билиши ҳам киритилди. Ушбу моддага асосан давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси муҳокамаси ҳам жуда кўплаб тортишувларга сабаб бўлди.

Низомга кўра, давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва давлат сертификатини бериш Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Давлат тилини билиш даражасини аниқлашга тайёргарлик кўриш, тест материалларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шакллантириладиган ишчи гуруҳ ариза топширган шахснинг нутқий, лингвистик, матнни тушуниш компетенцияларига эътибор қаратади.

Муҳокамалар давомида кимдир бу талаблар керагидан ортиқча деса, яна кимдир айтиш мумкин, деган фикрларни билдирди. Хуллас, нима бўлганда ҳам Қонун кучга кирди. Унда белгиланган меъёрлар бугундан бошлаб амалиётга татбиқ этила бошланди.

Бир сўз билан айтганда, бугундан бошлаб Ўзбекистон фуқаролигини олиш учун давлат тилини билиш шарт бўлади.

Бундан кўзланган асосий мақсад Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, миллий давлатчилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади.

**Нурулла АБДУЛЛАЕВ,**  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маслаҳатчиси

» Дўстона учрашув



## Маданият вазири туркиялик олимлар даврасида

Туркия сафарига бўлган Маданият вазири Озодбек Назарбеков бир гуруҳ олимлар билан ҳам учрашди.

Истанбулнинг энг нуфузли олийгоҳларидан бири саналган Беруний университетида ташкил этилган тадбирда Мармара фонди президенти Аккан Сувер, таълим даргоҳи ректори Аднан Юксел, профессор Бекир Карлига ҳамда бир қатор давлат ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Аднан Юксел ўзбекистонлик меҳмонларни қарши оларкан, илму ижоди билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий сингари буюклар заманидан салом келтирганлар улар учун жуда азиз ва қадри эканини айтиб, вазири ташрифидан мамнулигини билдиришди.

Дўстона учрашувда, шунингдек, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлигида суратга олинган “Беруний” номли ҳужжатли фильм намойиши ҳамда турк ва инглиз

тилларида чоп этилган “Беруний” китоби тақдироти ҳам ўтказилди. Ҳозирда мазкур асар ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Ҳужжатли фильмда алломанинг болалигидан то буюк мутафаккир бўлиб етишгунига қадар бўлган давр акс эттирилган.

Мулоқот чоғида университет ректори қайд этганидек, буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний илм-фан соҳасида катта мерос қолдирган аллома, математика ва астрономия илмининг билимдони сифатида Шарқ ва Ғарбда эъзозланади. Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир ҳақида ҳали кўплаб илмий ижодий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олинади, унинг илмий асарлари талабалар, профессор олимлар томонидан чуқур ўрганилади.

Шу ўринда Маданият вазири ҳам кўрсатилган юксак эҳтиром, илиқ дўстона муносабатлардан мамнун эканини билдирди. “Беруний” китоби

ҳамда ҳужжатли фильми учун уларга ўзбек халқи номидан миннатдорлик изҳор этди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва яқин дўстлик ришталарининг мустаҳкамлангани, икки давлат раҳбарларининг бир-бирига қўл бергани, биз ижодкорлар учун ҳам жуда катта ҳамкорлик эшикларини очди – дейди Озодбек Назарбеков. – Бу маданий ва маърифий соҳадаги фаолиятимиз биздек қардош ва биродар миллатларнинг биргаликда бошлаган эзгу ишларимиз дебобасидир. Халқингиз билан қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Бугун турк дунёси ўз “Мен”ини айта бошлади. Жаҳон тараққиётида, ислом цивилизациясида, илмий маданиятнинг юксалишида, бутун туркий халқлар бир овоздан “Мен” дейиши йўлида Ўзбекистоннинг улуши ҳам жуда катта. Ва бу турк дунёси учун манфаатлидир”.

» Такдимот

## UNESCO да номоддий маданий меросларимиз тарғиботи

8 – 10 сентябрь кунлари Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси Париждаги UNESCO штаб-квартирасида бўлиб ўтган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясига (2013 й.) аъзо давлатлар Бош ассамблеясининг 8-сессиясида иштирок этди.

Унда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро кўмита (НМММХК) аъзолигига Ўзбекистон номзодини илгари суриш доирасида 2022 – 2026 йилларда мамлакатдаги бой номоддий маданий меросни сақлаш ва кўпайтиришга доир саъй-ҳаракатлари тақдимоти ўтказилди. Маданиятни ривожлантириш масаласи шахсан Президентимиз диққат марказида бўлиб, буни сўнги йилларда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлардан

ҳам англаш мумкин.

2019 йилнинг августида Самарқанд шаҳрида UNESCO бош директори Одри Азуле иштирокида Моддий ва номоддий маданий меросни сақлашга доир халқаро анжуманининг ўтказилиши эса бунга яна бир мисолдир. Тақдимотда шу каби тадбирлар (“Шарқ тароналари”, “Мақом” ва “Бахши” мусиқий фестивалари)нинг ўтказилишида доимий кўмаги учун – UNESCO котибиятига, шунингдек, 2019 йилда Хоразм лазгисини Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритишга доир саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлагани боис НМММХКга миннатдорчилик билдирилди.

Ўзбекистон томонидан бахшчилик санъатининг UNESCO репрезента-



тив рўйхатига қўшилишида ташкилотга аъзо давлатлар қўллаб-қувватлашига умид билдириляётгани таъкидланди. Ўзбекистоннинг 2003 йилдаги Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш конвенциясини бажаришга қатъий содиқлиги тасдиқланди.

Шунингдек, номоддий маданий меросни муҳофаза этиш ва тарғиб қилиш, жумладан, мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлаш дастурлари, таълим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ушбу секторга инновацион технологияларни жорий этишда UNESCO билан ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам қизиқиш билдирилди.

» Афсонами ёки...

## Чингизхонни тиз чўқтирган Минораи Калон

Афсоналарга кўра, 1220 йил мўғул қўшинлари Бухорои шарифга бостириб киришади. Улар ҳукмдор буйруғи билан шаҳарни бир бошдан вайрон эта бошлайдилар. Шу пайт Чингизхон Минораи Калонни кўздан кечириш мақсадида, унинг энг юксак нуқтасига қараганида, бош кийими учиб кетади ва ерга тушади. Уни олиш учун ерга эгилганида, шундай фикр келади: “Минора илоҳий экан, таъзим бажо келтирмаганим учун менга ғазаб қилди. Мен ҳеч кимса ва ҳеч нима олдида тиз чўқмаганман, бу иншоот эса ҳаётимдаги илк истисно бўлди”.



Шундан сўнг, Чингизхон бу муқаддас даргоҳни буздирмайди ва минора шарофати билан шаҳарнинг марказий, жанубий ва ғарбий қисмлари омон қолади.

Бухоро шахрининг рамзи ҳисобланган Минораи Калон 1127 йилда Қорахон ҳукмдори Арслонхон буйруғига кўра, Бақо исми меъмор томонидан қурилган. Меъморий хусусиятлари жиҳатидан Ўзбекистонга хос бўлган ва баландлиги 48 метрга яқин, 105 поғонали бу минора 16 ровокдан иборат. Ҳар бир ровок турли нақш ва шакллarga эга.

» Ҳикмат



» Эзгулик улашиш маданияти

## “Аждодлар мероси – ибрат мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи”



Ҳозирги кунда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам деярли ярим йилдан буён давом этаётган коронавирус балоси халқимиз сабрини синашдан чарчамапти. Пандемия сабаб юз бераётган нохушликларни енгиб ўтиш, одамларда эртанги кунга умидни сўндирмаслик, иқтисодиётни издан чиқармаслик учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқимиз карантин шароитига мослашиб яшашга ҳаракат қилмоқда...

Ўқиш, иш, жамоат тадбирларининг аксарияти онлайн шаклда олиб борилмоқда. Шундай бўлса-да, халқимизнинг азалий урф-одати – муҳтожларни йўқлаш, мушкуллари омон, оғирини енгил қилиш анъаналари, айниқса, байрам кунлари кўпларнинг мақсад-муддаосига айланди. Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси бошлиғи Муҳаббат Шоносупова ҳам шундай хайрли ишларга бош қўшганлардан бири. Унинг 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда қатнашиб, ғолиб бўлгани бу каби хайрли ишларнинг амалга оширилишида кўл келди. Раҳбарнинг “Аждодлар мероси – ибрат мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи” деб номланган лойиҳаси фонд томонидан эътироф этилиб, грант маблағи ажратилган эди. Лойиҳа режасига кўра, маданий-маърифий, маънавий тадбирлар билан бир қаторда кам таъминланган ёш оилаларга, имконияти чекланганларга моддий ёрдам бериш ҳам белгиланган.

Ушбу режа асосида Бўстонлик туманидаги Қўшқўрғон қишлоғидаги эҳтиёжманд оилалардан 30 тасига 3,5 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди...

– “Яхши гап-жон озиғи”, айниқса, ҳозирги карантин кунларида ғариблашиб қолган кўнғилларга малҳам бўлаётган инсонлардан миннатдоримиз, – дейди қишлоқнинг энг кекса момоси, 90 ёшли Руқия она. – Одам бир бурда нонга ҳам қаноат қилади, аммо кўнғил кўтарар гапларни топиб айтиш, йўқлаб келиш инсонни хурсанд қилади, соғлиғи ҳам яхшиланади... Шундайлар умридан барака топишсин, асло кам бўлмасин!

– Ҳозир ҳа деганда кўчага чиқавериш ҳам малол келади, бунинг устига кичкина болаларим бор, дейди ёш келинчак. – уйимизга керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан кириб келган яхши одамлардан жуда миннатдоримиз. Омон бўлишсин!

Ана сизга аждодлар мероси, ибрати! Қолган яхши амаллар келгусида онлайн тарзда бўлса ҳам ўтказиладиган маънавий-маърифий, маданий тадбирларда давом этади...

С.РИХСИЕВА

# Қишлоғимга қадрият қайтди

Қишлоқда яшашнинг гашти бошқача. Эрталаб соат жиринглашидан эмас, хўроз кичкиригидан уйғонишнинг ўз ўрни, ўз завқи бор. Ўқув курслари учун шаҳарга йўлим тушса-да, дарров қишлоғимни соғинаман. Қани эди, бизда ҳам ўқув марказлари бўлса, деб орзу қиламан. Келажакда қишлоғимиз марказида шаҳардаги каби ўқув марказ очилгани ният қилганман. Худо хоҳласа, ҳам савоб, ҳам даромад, деб ишни бошлаймиз-да...

Бир очик гапни айтсам, гашти бор ана шу қишлоғимизнинг одамлари охири пайтда “шаҳарлашиб” қолган эди. Хаттоки, қадриятлар унутилиб, “шаҳарча ким ўзар” бошланганди, десам ишонаверинг. Ҳамма тўйини шаҳардаги тўйхоналарда қиладиган бўлди. Қишлоқликлар “қишлоқи” мизми деб, бир-биридан ўзарга ҳашаматли тўйхоналарни танлашди, йил бўйи қилган деҳқончиликлари орқали топган даромад-

ларини бир кунлик маросимга алмашишди...

Бувим “Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади”, деб кўп такрорларди. Тождор вирус тўғрисида бир тарафдан бутун дунё саросимага тушган бўлса, яна бир тарафдан одамлар исрофдан тийилди. “Қирк кечаю, қирк кундуз тўй берган халқимиз”, деб тўйига минглаб меҳмон қақирадиган кишилар ҳам ўттиз кишига қаноат қиладиган бўлишди. Асосийси, бир вақтлар кўр-кўрона, кўз-кўрона қилинган ҳашаматли базмларнинг бугун соддагина, файзлигина ўтаётгани халқни хурсанд қиляпти. “Ўнта кўй нима бўлади?”, дейдиган аёллар ҳам “Болаларимиз соғ бўлишса бўлгани”, дея тийилишяпти.

Тунов кунни дўконга чиққандим. Уч кўча нарида тўй бўляпти экан. Кўшиқнинг овозини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳайрият, қишлоққа қадрият қайтди, деб қўйдим. Ахир уйда, маҳаллада бўладиган тўйга нима етсин. Кайтаётсам, оппоқ ниқоб

тақиб олган синфдош қизларимизни кўрдим. “Тўйни томоша қилгани кетяпмиз. Узоқдан бўлса ҳам келинчакни кўрайлик”, дейишди. “Бир кунни сизларни ҳам томоша қилгани боришадим”, дея ҳазиллашиб ўтиб кетдим. Уйга келсам, дадам билан ҳамсоя амаки суҳбатлашиб ўтиришибди. Бейхитёр ҳамсоянинг “Қўшни, бизни тўйга айтишмади-я”, дегани қулоғимга чалинди. Одатда бошқаларнинг суҳбатига қулоқ тутишни ёмон кўрсам-да дадамнинг жавобига қизикдим. Шунда дадам “Ҳа энди, бизни ўйлашганда. Одам гавжум жойга қақириб, соғлиғимизга ёмон таъсир этмаслиги учун ҳам айтишмаган. Қаранг, қандай оқибатли қишлоқдошларимиз бор. Тўй қилишса ҳам бизни ўйлаб, айтишмайди. Илоҳим, ёшлар бахтли бўлсин”, дея менга қараб қўйди. Дадамнинг гапларидан сўнг ҳамсоя қорнини силкитиб-силкитиб кулиб юборди.

Ҳа, чиндан ҳам тўй бўлгани яхши. Бўлганида ҳам меъёр билан, ортиқча даб-дабдасиз бўлгани яхши. Ахир ёш келин-куёвга бахтдан бўлак нима керак? Аммо баъзи катталар бахт деб бойликни, қўша-қўша сарполарни назарда тутиб, биз ёшларга тўғри ўртак бўлмаяпти. Минг ҳашамат бўлгани билан бир ҳикмат бўлмаса, ҳашаматнинг минглиги нолга тенг эмасми?.. Хуллас, тўй бўлса, тўйдай бўлсин. Дув-дув гап бўлмаса ҳам, дув-дув файз бўлсин!

Ёрқинжон ХАЙИТБОВЕВ,  
Гулистон давлат университети талабаси

» Музейимиз – 60 ёшда!

## Маданият ва маънавият ўчоғи

Музейлар бой тарихимиз, аждодларимизнинг ўлмас меросидан ҳикоя қилувчи маданият ва маънавият ўчоғидир. Ушбу масканлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишда маънавий тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин

эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Бу борада Ангрен шаҳар тарихи музейининг ҳам ўрни беқиёс. У 1960 йилнинг 27 сентябрида ташкил этилган ва биз шу кунларда музейимизнинг 60 ёшини нишонламоқдамиз. Шунини муносабат билан музейимизга шахримизнинг мутасадди раҳбарлари, тадбиркорлари, маданият бўлимлари ходимлари ва аҳолиси ташриф буюришди.

Барчамиз учун қадри бўлган ушбу маскан ранг-баранг экспонатларга бой бўлиб, унда сақланаётган нодир асарлар, қўлёзмалар, иллюстрациялар, флора ва фаунага оид коллекциялар, сопол буюмлар шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Ватанимиз тарихи, аждодларимиздан қолган бой маданий-маънавий меросларни ўрганишда музейларнинг аҳамияти катта ва улар баркамол авлод тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Ангрен шаҳар тарихи музейи фаолиятини ҳам янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Гулмира САЛИХАНОВА,  
Ўғил ШОДИЕВА,  
Ангрен шаҳар тарихи музейи ходимлари



ФОТО ТАНЛОВ

**Истеъдодларни излаб**



Шу кунларда Ўзбекистон давлат табиат музейида иккинчи онлайн фото танловга старт берилди.

“Олтин куз туҳфаси” деб номланган ушбу танловда 5 – 15 ёшгача бўлган болалар қатнашиши мумкин. Иштирокчилар юборган фотолар @tabiat muzeyi телеграм каналига мунтазам қўйиб борилади. Ҳолиблар эса ижодий ишларга босилган лайклар сони жамланмаси орқали аниқланади.

Мазкур танлов карантин даврида бола-

жонларнинг уйда бўш вақтларини унумли ўтказиши учун ташкил қилинди. Танлов якунида кучли 10 талик аниқланади. Ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Барча иштирокчиларга омад тилаймиз.

Мурожаат учун телефон: (97) 8884772

Ўзбекистон давлат табиат музейи  
Маркетинг ва туризм бўлими



Янги кўرғазма галереяси

**Санъат музейи япон меъмори лойиҳасига кўра таъмирланади**

Ҳукумат комиссияси баённомасига кўра, дунёга машҳур япон меъмори Тадао Андо томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон давлат санъат музейи биносини реконструкция қилиш лойиҳасининг дизайн концепцияси тасдиқланди.

Яқин ҳулоса 2020 йил охирига қадар тақдим этилади. 2019 – 2022 йилларда режалаштирилган Ўзбекистон давлат санъат музейини реконструкция қилиш лойиҳаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилмоқда.

Шахрисабз, Т.Шевченко ва Якка Чинор кўчалари кесишмасида жойлашган музейга туташ хиёбон ҳудуди кенгайтириш ва модернизация қилиш учун Ўзбекистон давлат санъат музейига ўтказилди. Кўшимча майдон Тадао Андо концепциясини тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Мазкур ҳудудга шиша ва бетондан ишланган Тадао Андо меъморчилигига хос умумий майдони 17 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган янги кўрғазма галереяси қурилади.

Шунингдек, мавжуд бино томида яшил терраса ҳам барпо этилади: янги ва эски биноларни улашга хизмат қилувчи оралик жой. Музей биносини реконструкция қилиш унинг умумий майдонини 25 000 квадрат метргача етказиши ва кўрғазма майдони шу тариқа кенгайтирилади ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган янги омбор пайдо бўлади.

Меъморлар И.Абдулов, А.Никифоров, С.Розенблюм томонидан лойиҳалаштирилган ҳозирги музей биноси 1974 йилда қурилган ва у меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Тадао Андо томонидан ишлаб чиқилган лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у архитектурадаги замонавий тенденцияларни объектнинг тарихий қиймати ва яхлитлиги билан бирлаштирилади ҳамда бугунги куннинг ижтимоий архитектурасини акс эттиради.



«Ушбу музейнинг концепцияси айлана ва квадратни ўзида мужассам этган ҳамда бирлаштирилган бўлишини истардим. Ва мен ўзида тарих, анъанаю қадриятларнинг асосий элементларини мужассам этган замонавий музей яратмоқчиман», – дейди Тадао Андо.

Тадао Андо дунёдаги энг таниқли меъморлардан биридир. У 1995 йил архитектура соҳасидаги индивидуал ютуқлари учун «Притцкер мукофоти»га сазовор бўлган. Меъморнинг энг машҳур лойиҳалари – Париждаги Франсуа Пино Замонавий санъат жамғармаси, Венециядаги Punta della Dogana ва Palazzo Grassi музейлари бинолари, Миссури (АҚШ)даги Пулитцер Санъат маркази, Күёш ибодатхонаси (Япония)дир.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси дунёнинг етакчи музейлари бўлган Лувр, Араб дунёси институти (Париж, Франция), Альбертина (Вена, Австрия), Жеймс Симон галереяси (Берлин, Германия), Третьяков галереяси, «Эрмитаж» (Россия) билан янгиланган Ўзбекистон давлат санъат музейида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришди.

Интиқ қутилаётган фильм



Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Маданият вазири Озодбек Назарбеков Туркия сафарига бўлиб, «Мендирман Жалолиддин» сериалининг суратга олиш жараёнлари билан яқиндан танишиши ва ўз саҳифаларида ижодий ҳамкори Меҳмет Бўздаг ҳақида қуйидаги фикрларни ёзиб қолдири.

«Мана, нафақат туркий халқлар, балки бутун дунёга маълум машҳур, барчанинг ҳурматини қозонган «Текден фильм» ва «Бўздагфильм» бошқарув кенгаши раиси Меҳмет Бўздаг билан танишиб, ҳамкорлик қилаётганимизга ҳам икки йил бўлибди.

**Муҳими, ҳамкор танлашда адашмадик**

Бу инсонга ҳурматим, айниқса, унинг сценарийси ва продюсерлигида яратилган «Эртуғрул» сериалини томоша қилганимдан сўнг янада ошди. Ушбу киноасар жуда мукамал яратилгани учун ҳам бутун тарихга бўлган муносабатим тубдан ўзгарди. Ва ўшанда Президентимиз топириги билан, яъни Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши йўлида белгиланган Харакатлар стратегиясига мувофиқ миллатимизнинг асл қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги тарихий сериални суратга олиш ишларини айнан шу инсон кўмагида амалга оширишимиз мумкинлигини тушундим.

Дўстимизга ҳамкорлик таклифини берганимда, билдирган фикрларидан танлов боради адашмаганимни-да англадим. Тарих-

ни яхши кўрадиган, бунда ҳар бир детални назардан четда қолдирмайдиган, асосийси, ўзбек миллатини севадиган, унга билдирилган ишончни оқлаш йўлида бутун тарихий асарларимизни, адабиётларимизни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганган инсон, ўз касбининг ҳақиқий устаси билан ҳамкорликда ишлаётганимдан хурсандман.

Биз ушбу фильм орқали ўзбек миллатини бутун дунёга олиб чиқишимизга, ҳаммага асл тарихимизни кўрсата олишимизга ишонамиз. Бунинг учун ҳар биримиз бор кучимизни ишга соламиз.

Насиб этса, яқин кунларда, аввало, халқимизга «Мендирман Жалолиддин» телесериалини тақдим этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВ»


Ёдгорликларимиз

**Мағоки Аттори масжиди**

Бухородаги XII – XVI асрларга оид Мағоки Аттори масжиди архитектура ёдгорлиги ҳисобланиб, қадимги шаҳристоннинг жанубида қурилган. Дастлаб унинг ўрнида оташпарастлар ибодатхонаси бўлган.

Ибодатхона атрофи пастроқ ерда жойлашиб, ёнидан бозор ўрин олган (форсча мағоки – чуқурлик номи ҳам шундан олинган).

Вақт ўтиши билан масжид кўмилиб кетган. 1934 – 1935 йилларда В.А.Шишкин раҳбарлигида археологик қазилар ишлари ўтказилиб, айниқса, жанубий пештоқи нафақат Бухоро, балки бутун Марказий Осиё бадий маданиятининг қимматбаҳо ёдгорлиги сифатида қадрланади.



Шу кунларда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Республика болалар кутубхонаси биносини реконструкция қилиш бўйича тасдиқланган лойиҳани тақдим этди. XIX асрда қурилган мазкур бинонинг янгилашни ва унда янги таълим ва маданият муассасаси ташкил этилиши Жамғарманинг Ўзбекистонда меценатлик фаолиятини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари билан амал-

Меценатлик фаолияти

**Болалар учун жаҳон стандартидаги кутубхона**

га оширилди. Маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда меценатларни жалб қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Меценатлик тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган.

Лойиҳа Ludi Architects (Санкт-Петербург) архитектура бюроси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у кутубхоналар ва китоб фондлари билан ишлашга ихтисослашган. Меъморлар фикрига кўра, режалаштирилган реконструкция ишлари минимал даражада ички элементлар интерьерига ва жойлашувига таъсир қилади. Шу билан бирга, кутубхонада 0 ёшдан 16 ёшгача бўлган болажонлар учун коворкинг майдони,


лабораториялар, маърузалар ва маҳорат дарслари учун кўчма зал ташкил этилади.

Лойиҳа бўйича ушбу жараёнга технологиялар ҳам жалб этилган. Улар муассаса тузилишини жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишда ўз ҳиссаларини қўшишади. Жумладан, китоб фонди ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва нашрларни излаш тизимини йўлга қўйишади. Бундай нашрлардан 200 минг нусхаси мавжуд бўлиб, бу минтақамиздаги болалар китобларининг энг йирик тўпламидир. Шунингдек, кутубхона барча инклюзив талабларга жавоб берадиган қулайликларга эга бўлиши режалаштирилган.



Муносабат

«Tashkent City»да тўй қилган хонанда жаримага тортилди



Шу кунларда хонанда Воҳиджон Исоқовнинг 14 сентябрь куни «Tashkent City» паркида тўй қилгани ва унга кўплаб шоу-бизнес вакиллари ташриф буюргани ҳақидаги хабарларни эшитяпмиз. Ушбу ҳолатга Тошкент шаҳар ИИББ ҳам ўз муносабатини билдирди.

Қайд этилишича, интернет тармоғида тарқалган фото ва видео-

ларга кўра меҳмонлар сони 50 дан ошган.

«Коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ юқори хавф шароитида бундай ишларга йўл қўйиб бўлмайди.

Маълум қиламизки, СЭХ ишчилари томонидан мазкур факт асосида тадбирни ташкиллаштирган 32 ёшли Воҳиджон И. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексининг 54-моддасига кўра жаримага тортилди. Унга ЭЖИХнинг 5 баравари миқдоридан жарима белгиланди.

Хурматли ҳамшаҳарлар ва Тошкент меҳмонлари! Санитария-эпидемиология талабларига жиддий қарашингизни сўраймиз. Турли маросимлар ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини хавф остига қўйиш учун сабаб бўла олмайди», дейилади хабарда.

Ўтмиш қаридаги синоат

# Ўзбекистон Давлат табиат музейи ажойиботлари



Палеонтология – ер қобиғида ўтмиш геологик даврларда яшаган ва унинг ривожланиш қонунларини ўзида сақлаган ҳолда қатламлар ичида қолиб кетиб тошга айланган ўсимлик (флора) ва организмлар (фауна) қолдиқларини ўрганадиган фан. У Ер юзидаги асосий турларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу фан доирасидаги билимлар Ернинг ривожланиш тарихини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Палеонтология ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқларини, уларнинг фотоальбомдаги кўринишини, биологик хусусиятлари, озикланиш усуллари, кўпайиш ва ривожланиш босқичларини тадқиқ қилади ҳамда қадимий тирик организмларга тааллуқли бўлган топилма қолдиқлари орқали ўрганишлар олиб бориб, тўпланган маълумотлар асосида биологик эволюцияни қайта тиклашга ҳаракат қилади.

Бу йўналишдаги тадқиқотлардан мақсад эволюциянинг тузилиши, тизимланиши, усуллари ва шакллари, ҳудудларда ва вақт оралиғида тарқалиши, ҳаёт тарзи, яшаш муҳитини ўрганишдир. Бунга эришиш учун тошга айланган қолдиқлар текширилади ҳамда таҳлил қилинади.

Аслида организмлар қолдиқлари тошга айланган ҳолида сақланиб қолиши учун намунанинг қаттиқ танази (яъни скелет, қобик, ва ҳоказо) ни вайронгарчиликдан химоя қилувчи модда муҳити бўлиши лозим. Кўпинча организмларнинг қолдиқлари ер ости сувлари таркибидаги кальций, темир ёки силикат тузлари билан тўлдирилган бўлади ва бу унинг жуда яхши сақланишида муҳим аҳамиятга эга. Доимий музликлар ҳам организм қолдиқларининг зарарсиз сақланишига ёрдам беради.

Палеонтология – палеозоология (ҳайвонлар қолдиқлари), палеоботаника (ўсимликлар), палеомикология (замбуруғлар), микропалеонтология (микрорганизмлар), палеозоология (организмларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан алоқаси), биоэкология ва тафономия (қолдиқларнинг тарқалиш мунтазамлиги) каби бўлимлардан иборат.

Яқинда палеонтология бўйича янги бўлимлар ажратилди. Масалан:

**Палеоэкология** – (йўқолиб кетган ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш шароитларини аниқлайди ва тиклайди), ривожланиш (организмлар ўртасидаги экологик муносабатлар, бошқа томондан, улар билан биотик муҳит/экогенез), топонимикаси (йўқолиб кетганидан сўнг организмни дафн этиш шакллари ва фотоальбом ҳолатида сақлаб қолиш учун шароитлар) ва палеобиогеография (геологик ўтмишда организмларнинг тақсимланишини аниқлайди).

Юмшоқ чўкмаларнинг тошга айланиши органик қолдиқларни фотоальбомларга (фосса-пит, фоссилия-фоссил) айлантириш билан бир вақтда ўзгартирилади. Фотоальбомларнинг шаклланиши турли кимёвий омиллар, «Т ° С, П» таъсирида юзага келади, бу эса петрификация, қайта кристалланиш, минерализацияга олиб келади. Фотоальбом ўсимликлар ва ҳайвонлар комплекси орикогенез атамаси билан белгиланади.

Ҳозир Ерда бир неча миллион турдаги жонзотлар яшайди. Бу сайёрамизда бир марта яшаб ўтган турларнинг атиги уч фоизидир.

Палеонтологлар тошга айланган суяк, тиш, ҳайвонларнинг қобиғи, барглари ва ҳатто организм қонини ҳам ўрганади ҳамда таҳлил қилади. Ҳар бир палеонтологик топилма ноёбдир, чунки ўлимдан сўнг тирик организмлар жуда тез вайрон бўлади ва камданкам ҳолларда «ўтмишдаги биосфераларнинг излари» ўлик танада асл ҳолича қолади.

Фотоальбомга айланиш учун тананинг скелетлари, қобиғи ёки бошқа мустақкам қисмлари бўлиши керак. Жасад парчаланиши ва эрозияга учрамаслиги учун унга жиддий ишлов бериш лозим. Ҳайвон танасининг юмшоқ қисмлари камдан-кам ҳолларда сақланади. Масалан, мамонтлар ва юнгли ринослар Сибирь тундрасининг пермафрост қатламида сақланиб қолади, бу ерда улар фақат доимий паст ҳарорат туфайли парчаланмайди. Ҳайвонларнинг поғонали ва судраладиган тана қисмлари, ҳашаротлар, патлар ва баргларнинг ажралишлари ҳам палеонтология объектлари

ҳисобланади.

Ўзбекистон табиати тарихининг бир бўлаги бўлган турли-туман палеонтологик топилмалар жуда қизиқарлидир. Бундай илмий бойликлар юртимизда жойлашган Ўзбекистон давлат табиат музейларида сақланади.

Давлат табиат музейларини ташкил қилишдан асосий мақсад ҳам музей коллекцияларидан фойдаланиш йўли билан кенг аҳоли ва мактаб ўқувчилари, талабаларни экология ва атроф-муҳитни муҳофазалашга ўргатиш ва тушунтириш, табиатшунослик соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш, жумладан, ўлка табиатини ўрганишдан иборат.

**Тошга айланган динозавр изи.** Тадқиқотчилар таъкидлашича, Сурхондарё вилоятидан топилган мазкур из Мезозой эрасининг «Триас» даврида яшаган «камптозавр»га тегишли экан. Маълумот учун, «Триас» даври 45 миллион йил давом этган. Ушунда Ер шарининг деярли ҳамма жойида континентал иқлим вужудга келган. Бу давр охирига бориб судралаб юрвчилар кўпайиб, улар ерда яшовчи калтакесаклар (динозаврлар); сувда яшовчи калтакесаклар (ихтиозаврлар ва плезиозаврлар) ва дастлабки учувчи калтакесаклар (птерозаврлар)га бўлинган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат табиат музейида қуйидаги палеонтология намуналари: бугунинг шохи, болдир суяги ва тишлари (**Кўлбулоқ**); гипарининг устки ва остки жағи (**Оқсоқ-ота**); бурчининг настқи жағлари билан тишлари (**Оби-раҳмат**); стенан отининг болдир ва ошқ суяги (**Ангрен**) шунингдек, тошга айланган уруғли папортник, даракт пўстлоғи, денгиз ҳайвони қолдиқлари, икки табақали моллюска ва бошқалар сақланмоқда.

Ушбу экспонатлар намоиши болалар онгида табиатга меҳр уйғотишга, унинг неъматларига оқилона муносабатда бўлишга, шунингдек, ҳайвонот дунёсини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашга ва ёшлар калбида она Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссини жўштиришга ва табиат тарихи тўғрисида билимларининг бойишига хизмат қилади.

**Шаҳзода ЖАЛИЛОВА,**  
Ўзбекистон давлат табиат музейи бўлим бошлиғи

Тарих тилга кирганда...



## Тупроқ остидаги ҳунармандчилик

Наманган вилояти тарихий ёдгорликлари ҳақида сўз кетганда, аввало, Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган қадимий Ахсикент тилга олинади. Унинг мўъжизакорлиги шундаки, ҳар қанча ўрганасан, изланасан ҳам оздек туюлаверасан.

Тарихий манбаларда Ахсикент-Ахсикат деб ҳам юритилгани ёзиб қолдирилган. Шу билан бирга бу кўҳна ва муаззам шаҳар узоқ давр Фарғона водийсининг пойтахти бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Жумладан, XIII асрда яшаган боғдоқлик олим Ёқут ал Ҳамавийнинг «Муъжам ул-удабо» («Адиблар лугати») ва «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар лугати») асарларида ўша даврлардаги мамлакатларда, хусусан, Ахсикентда туғилиб вояга етган олим ва шоирлар ҳақида кенг маълумот берилган. Бу шаҳарнинг қулай иқлими, табиий бойликлари Ахсикентда ҳунармандчиликнинг ҳам ривожла-

деган фикрларни инкор этади.

Ахсикентда IX-XII асрларга оид турли металллар: олтин, кумуш, бронза, мис, темир, ҳатто шишадан тайёрланган узуклар ҳам топилган бўлиб, улар аждодларимизнинг эзгулик, муҳаббат, вафодорлик фазилатларидан дарак беради. Ўз даврига оид зеби-зийнат буюмларини ясаيدиган заргарлик ускуналари бу қадимий шаҳарда аввалданок бундай устахоналар мавжуд бўлганидан дарак беради.

Ахсикент кулолчилигини алоҳида мавзу дейиш мумкин. Чунки, археологик тадқиқотлар натижасида миллоддан аввалги III-II асрлар ва эрамининг IX-XII асрларига мансуб аждодларимиз томонидан тайёрланган ва фойдаланилган сопол буюмлар, уй-рўзгор анжомлари, савдо муносабатларида ишлатилган тангалар, паҳса деворлар, сопол қувурлар қолдиқлари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг кўргазма зал-



нишига замин яратган. Жумладан, энг қадимги ҳунармандчилик тури бўлган кулолчилик, шишасозлик, заргарликнинг тараққий этганини археологик қазимша пайтларидан топилган ашёлардан ҳам билиш қийин эмас. Зеро, бу нодир буюмлар ўша давр ҳақида хабар берувчи энг ишончли далиллардир.

Уста ҳунармандлар томонидан яратилган коса, хум, кўзалар – кулолчилик, турли тақинчоқлар – заргарлик, рўзгор буюмлари эса мисгарлик, темирчилик ҳунарларининг санъат даражасида ривожланганидан даролат.

Шунингдек, бу қадимий шаҳарда шишасозлик ҳам яхшигина тараққий топганини ажойиб идишлардан, шишасозларнинг иш қуролларидан ҳам билиш мумкин. Яъни, ушбу маълумотлар «шиша ва чинни идишлар бизнинг юртга Хитой, Арабистон, Эрон, Туркия каби юртлардан келтирилган»

ларида неча йиллардан буён ўлкамиз тарихидан сўзлаб, келган зиёратчиларга маълумотлар бериб турибди...

Хуллас, Ахсикент ўзбек халқининг тарихини ўзида мужассам этувчи ва тарих саҳифаларини тўлдирувчи кўҳна ва қадимий ёдгорликдир. Топилмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, санъати ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлганидан даролат беради. Бу ердан топилган бадий безак намуналари ва бошқа ашёлар: ажойиб тақинчоқлар, каштали матолар, шиша ва чинни идишлар одамларни ўзига мафтун этган.

Ахсикент ёдгорлиги бугунги кунда ҳам муҳим далилий ва ашёвий макон бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда маданиятимиз тарихини янги саҳифалар билан безашга имкон яратмоқда...

**Азамат ҒАНИЕВ,** Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудир

Хушхабар

**“Заҳириддин Мухаммад Бобур” кўкрак нишони**



Миллий гвардия ҳарбий-техник институтида «Заҳириддин Мухаммад Бобур» номидаги махсус стипендия ҳамда кўкрак нишони жорий этилиши тўғрисида Ўзбекистон Миллий гвардияси кўмондонининг буйруғи имзоланди.  
– Ушбу хабарни эшитиб, қувондим, – дейди Бобур Халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов. – Бу билан мамлакатимиз давлатчилиги тарихидаги етук сиёсатчи, давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва

фаолияти янада кенг тарғиб этилади, энг асосийси, ушбу нишон ва стипендия ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юрт учун фидойи, билимдон бўлишга, уларнинг қалбига тарихимизга, улуг аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.  
Ушбу махсус стипендия ва нишон билан З.М.Бобурнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ ва тарғиб этишда изланиш олиб бораётган, адабиёт ва китоб-

хонлиқни кенг тарғиб қилишда алоҳида фаоллик кўрсатаётган, турли конференция ва танловларда қатнашган, муаллифлик асосида нашр этилган ишлари (асарлари) мавжудлиги мезонларга асосан ҳар йили 20 майга қадар институтда таҳсил олаётган 1-3-босқич курсантлари рағбатлантирилади.  
«Заҳириддин Мухаммад Бобур» номидаги кўкрак нишони никель ҳамда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланган бўлиб, саккиз қиррали тилла рангли юлдуз шаклига эга.

Хулоса сиздан...

# Миллийликни чопон ёки дўппидан эмас, катталар ўғитидан излайлик

Ўша куни шаҳар кўчасидан жинси шим кийган нотаниш бир қиз кетаётганди. Шу пайт эс-хуши жойида, барзангидек йигит унинг ортидан келди-да, бўртиб турган ерига тарсаки уриб юборди. Ҳалиги қиз аввал анордек қизарди, кейин йигитга қарата оғзига келган сўзларни гапирди. Бу ҳолат ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмади. Ёши катталар йигитга газабини сочишти. Баъзилари ёмон қарашди, бошқа бирлари лўқма ташлашди. “Нега бундай қиласан?”, “Эсинг жойидами ўзи?”, “Сенинг ҳам синглинг ёки опанг бордир, ахир?” деган сўзларга йигит бирдек жавоб берарди: “Энди бу ҳолатда бошқа кўчага чиқмайди...”

Бу воқеа узоқ туманлардан бирида бўлиб ўтганди. Ушанда йигитнинг қилигидан мен ҳам аччиқлангандим. Лекин энди ўйлаб қарасам, гарчи хунук кўринса-да, ҳалиги йигит “замон”га тақлид қилаётган “замондоши”ни тўғри йўлга қайтаришга уринган, қайсидир маънода уни даволаган экан...

Мақолани бу воқеа билан бошлашимизнинг ўзига яраша сабаблари бор.

Кийиниш маданияти ҳақида кўп ва хўп гапирди ва бугунга келиб у ҳатто бот-бот ургу беришга арзийдиган муаммога айланиб улгурди. Афсуски, қуруқ гап билан иш битмаслиги кундек аён. Чунки давр ёшлари замон талабини ҳар нарсадан устун қўймоқда ва катталарнинг оталарча қилган насиҳатларини “эскилик”ка йўйишмоқда. Юқорида гувоҳ бўлган воқеамиз эса, қайсидир маънода, олис мозийларни босиб ўтган менталитетимизнинг бугунги “замонавийлик” юзига тортган тарсакиси бўлди.

Тан оламизми-йўқми, лекин ҳозирги ёшларнинг аксарияти борган сари миллийликни унутяпти. Бунга айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳам миллийликни тўлиқ англаб етмагани, шунингдек, миллий маданиятимиз тарғиботида ўрناق кўрсатиши керак бўлганларнинг ҳам кези келганда миллийликка эмас, ҳар хил хориж “мода”ларига тақлид қилаётгани сабабчидир. Яна бугун ахборотни нотўғри фаҳмлайдиган, гайрича хулоса асаб, акс талқин қиладиганлар ҳам етарлича топилади. Ўз миллий кўринишимизни сақлаб

қолиш, унга салбий таъсир ўтказадиган иллатлар билан курашишда ҳеч қандай натижа ололмаслигимизда ана шу тоифадаги “фаол”ларнинг ҳиссаси катта.

Эътибор қилган бўлсангиз, одам улғайган сайин панду насиҳат, катта ёшдагиларнинг гап-сўзларини ёқтирмай боради. Уларни эшитса ҳам эшитмасликка, тушунса ҳам тушунмасликка уринади. Масалан, кўп ёшларимиз кийиниш бора-сидаги насиҳатлар замирида чопон кийиб, белбоғ тақиб, бошда дўппи билан юришга ундов ётибди деб ўйлашади. Бироқ миллийлик деганда булар назарда тутилмаслиги керак. Кийиниш маданиятида ҳеч бир миллатнинг миллийлигига таъсир қилмайдиган тартиб мавжуд. Аёллар кийимига тушириладиган гуллар бугун йигитларимиз қўйлақларида ҳам учраяпти ёки қизларимиз танани кўз-кўз қилиш учун кийиладиган тор, очик либосларга ўч бўлиб борапти. Афсуски, булар замонавийликни англамайди. Биз миллийликни чопон ёки дўппидан эмас, ўша ёши катталарнинг гапидан, ўғитларидан излашимиз керак. Бугун йўқолиш хавфида турган миллийлик ўша насиҳатларда мужассам аслида. Демак, биз миллийлик деганда кўзимизни кўр, қулогимизни қар қилаётган эканмиз.

Шу ўринда мулоҳазамизни “Ўзбекистон” телеканалда даврий намоёйиш этиб бориладиган “Муносабат” телекўрсатувларидан бирида айтилган фикрлар билан давом эттирсак. Унда бир нечта экспертлар давр рўпара қилиши ва жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иллатлар ҳақида гапирди. Улар шунчаки бугуннинг ёшларига ваъз ўқишмади, аксинча, миллат эртаси ҳақида жон куйдиришди. Ижтимоий тармоқларда мазкур кўрсатувда билдирилган фикрларга берилган ва берилмаётган муносабатлар эса, ҳақиқатан, миллийлик учун жон-жаҳдимиз билан курашимиз кераклигини исботлаб қўяди.

Тўғри, эфирда ҳис-ҳаяжон билан сўзлаган экспертлардан бирининг айтганлари ҳам бир ҳисобда ноўрин бўлди. Яъни сўзловчи бераётган ахборотидан одамларнинг қай даражада таъсирланишини ҳисобга олмади. У бугуннинг аксар ёш-



лари “салла” деганда “калла”ни тушунишини ўйламаган, назаримда. Натижада ижтимоий тармоқ фаолларининг кўпчилиги калта пайпоқни наостандар жинсий алоқага майил борлар кийишади деб англашди. Аслида келтирилган маълумот шунчаки калта пайпоқнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида эди. Эксперт эса бу сўзлари билан кимдир камситиш ёки қоралашни эмас, миллийликдан узоқлашиб кетаётганимизни тушунтирмоқчи эди.

Таассуфлар бўлсинки, оқибатда кимлардир экспертнинг сўзини уйдирмага, ўзини “қовун” чига чиқариб қўйишди. Лекин мияси тўқ одам, аввало, мутахассисга бундан не наф деб ўйлаб кўрмаймиди?! Наҳотки, энди биз “ўзлинггни бил, миллийликни асра” дегувчи катталарни шу тарзда “калтақлаш” йўлига ўтдик!

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу фикрга асли миллати корейс бўлган Ўзбекистонлик бир Усмийр йигит ўз жавоби билан чиқди. Унинг муносабат сўнгиде айтилган фикрларгагина ургу бериши, менимча, кўрсатувни тўлиқ кўрмаганидан дарак. Соч сариққа бўялган ва ўзбек тилида равон сўзлай оладиган йигитимиз анча тўлқинланиб, қизиги, ўзини бутун бир миллат ёшлари номидан гапирётгандек тутди. Ижтимоий тармоқларда тарқалган мазкур видеороликка жуда кўпчилик

муносабат ёзиб қолдири. Русий забонлар уни кўкка кўтариб м а қ т а ш с а , маҳаллий тилда гапирадиганлар қоралашди. Шу ўринда савол туғилади, унинг бутун бир миллат ёшлари номидан жавоб йўллашга ҳаққи бормиди ўзи?! У учун миллийлик мавҳум тушунча бўлса, бунга ким айбдор?! Йигитнинг кўриниши ва энтикиб гапиршидан аслида ким манфаатдор?! Бу ўринда ким фойда кўрапти-ю, ким энг катта бойлигини йўқотяпти?..

Келинг, яхшиис, ҳозирда айрим ёшларимиз томонидан бот-бот тилга олиниб, қўллаб-қувватланаётган “замонавийлик”ка бошқа тарафдан бир нигоҳ ташлайлик...

Йиртиқ шим, ранг-баранг соч, ўз тилида гапирмаслик – булар замонавийликка қирадимиз? Бугун бутун дунё аҳли миллий кийимларимизга, урф-одатларимизга, афсоналаримизга лол бўлаётган, ҳавас билан қараётган бир пайтда биз замонавийликни қаерлардан излаяпмиз?! Умуман, замонавийлик нима ўзи? Ўз тилида гапиршига ҳам қийналадиган, билса ҳам сўзлашни ор деб тушунадиган “фалончи” қандай қилиб замонга ўрнак бўлсин. Чет элда ўқиб, билимли бўлиш яхши, бироқ элинга нафинг тегмаса, тарихдан мисқоллаб, асраб келинаётган кадрятлар, миллийликни тушунмай, уни оёқ ости қилишинг замонавийликми?! Муқаддас кўрғонга менгзаб келина-



ётган оилани, ота-онани сариқ чақага ҳам олмасликни замонавийлик дейиш мумкинми? Кечирасиз-у, менимча, бундай замонавийликнинг бўлганидан бўлмагани яхши. Ундан кўра замондан ортда қолиб яшаган маъқул.

Ҳақиқатан, XXI аср шиддатли келди. Бу даврда нафақат шахслар, балки бутун бир миллатнинг йўқолиб кетиши хавфи мавжуд. Маданиятсиз, миллийлигини йўқотган халқ – ўлик ҳисоби. Бир четда миллийликни сақлаб қолиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни қоралаб, гўёки “эркинликка тўсқинлик қилишмоқда” қабилидаги тарғиботларни олиб бораётганларнинг мақсади бошқа, аслида. Уларнинг ҳатто инсонийликдан ҳам эркин бўлишни хоҳлаётгани замонавийлашишдан эмас, балки дунё ҳалокатидан далолат бераётганини, афсуски, баъзи ёшларимиз англаб етишмаяпти. Тўғри, биз эркин чекламайдиган жамиятга яшапмиз. Шу сабабдан бугун катталар ўғитига таб тортмай жавоб берапмиз. Уларни инсоний ҳуқуқларимизни паймол қилишда айбояпмиз. Бироқ ўзимиз бутун бир миллат миллийлигига барҳам бераётганимизни, илдизини чопайётганимизни англамаяпмиз. Шунчаки “фиеста” ҳаётга алданиб, тобора жарликка яқинлашиб бораётганимизни билмаяпмиз.

Гарчи ҳақ-ҳуқуқдан фойдаланиб, “замонавий”ликни тарғиб қилиш бошланган экан, демак, миллийликни сақлаб қолишга ҳам қонуний тарафдан чора кўриш даркор. Аввало, асл миллийлик нималигини ёшлар онгига қайтадан синдириш зарур.

Биз мақола сўнгиде “замонавийлик” сўзига қисқа таъриф келтиришни жоиз топдик: ЗАМОНАВИЙЛИК – сочини бўлиш, калта юбка, очик-сочик либос, йиртиқ шим кийиш, ўз тилидан кўра бошқасини устун қўйиш эмас, балки теран фикрлашдир. Бошда йўқ замонавийликни ялтир-юлтур, бренд кийимлар кийиб тўлдириб бўлмайди. Бундай замонга эргашадиганлар эса бора-бора маънан “қашшоқ” қа айланяшади.

О.АБДИЕВ

Давр руҳига мослаб

## Янгича талқинини топаётган асар

Театрнинг бошқа санъат турларидан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, сахнадаги жонли, драматик ҳаракатлар томошабин кўз олдига у босиб ўтган ҳаёт синовлари, чигирликларда тобланган оғир ва қувончли кечинмалар кўзгудагидек намоён бўлади. Эҳтимол, театрнинг жонли таъсири, ўзгача оҳанрабои ҳам шундадир.

Айни кунларда Андижон вилояти Ёшлар театри ижодкорлари янги асар устида ишлашмоқда. Машхур ёзув-

чимиз Ўлмас Умарбековнинг “Шошма кўёш” драматига маҳоратли режиссёр Абдурахмон Абдуназаров янгича талқинда қўл уриб, уни “Яша, кураш...” номи остида давр руҳига мослаб сахналаштирмоқда.

– Асарнинг бош қаҳрамони бўлган Санобардан кейинги авлод бошқа йўлдан боришни танлаганига ҳам ма-на қарийб ўттиз йил ўтмоқда, – дейди маҳоратли режиссёр Абдурахмон Абдуназаров. – Санобар ҳаёти – каттик ада-

шиш, сўнг аёл орияти ва гурури учун жон фидоликдан иборатдек кўринса-да, аслида қандайдир бир “догма”га асосланиб, борлигидан кечиб, ўзи яратиб олган ғалати “ёви” билан курашга умрини кетказиш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Биз мазкур асар орқали бошқалар ҳаётига назар солиш билан бирга ўз йўлимизни тўғри англашга ҳаракат қиламиз.

Ижодий жараёнларга бор меҳри ва маҳорати билан киришган театр

жамоаси давлат буюртмаси асосида сахналаштираётган ушбу спектаклни яқин кунларда республика мутахассислар кўригига топширишни кўзда тутишган.

Уларга пандемия шароитида барча қонун-қоидаларга тўла риоя этишни эслатиб, янги асарнинг яқин кунларда катта сахна юзини кўришига умид билдириб қоламиз.

Шерзод ДЕХҚОНОВ,  
театр адабий эмакдоши



«Халқ юраги»

**Адиблар хийбони ҳақида фильм**



Тошкент шаҳридаги Адиблар хийбонида ушбу маскан ва ундан ҳайкаллари ўрин олган шоир ва ёзувчилар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Халқ юраги» номли ҳужжатли фильм намоиши ўтказилди. Фильмнинг режиссёри Шохруҳ Расуловдир.  
«Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан «Cinema Days-2020»

кино кунлари доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири А.Қирғизбоев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари М.Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Сайид ва «Ўзбекино» МА директори Ф.Абдуҳолиқов ва бошқалар Адиб-

лар хийбонида яратилган бунёдкорлик ишлари ҳақида самимий фикрлар билдиришди. Ёзилаётган асарлар, яратилаётган фильмлар улуғ адиблар ҳаётини, бой адабиётимизни абадиятга муҳрлашга ҳизмат қилиши эътироф этилди.  
Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлиги ректорлари, ёзувчи-шоирлар, киношунослар, ёш ижодкорлар

ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда йиғилганларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар тақдим этилди.  
Фильм икки ой муддатда яратилган. Унда Адиблар хийбонининг янги қиёфаси бадий ифодасини топган. Шунингдек, фильмнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди.

Муносабат

# Аҳволимиз шуми? Шу...

Наманганда бир қизнинг икки йигитни дўппослагани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Воқеани ҳар ким турлича талқин қилди. Тўғрироқ айтсак, ҳамма ўз қаричи билан хулоса ясаб, мулоҳаза юритди. Айримлар ижтимоий тармоқларга «Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар», «Қизлар ҳам анойи эмас» каби фикрларни жойлашти. Очиқланган маълумотда қиз ўз шаънини ҳимоя қилгани ва қийими устидан қулган йигитларга нисбатан шундай «муомала»да бўлгани айтилган. Очиғи, бироз ўйланиб қолдим. Ёнидан эркак киши ўтса, юзини яширадиган, укаси тенги бола кўчадан ўтиб қолса ҳам, йўлини кесмайдиган, ибод ва ҳаёни ор-номус деб биладиган ўзбек қизларининг аҳволи шуми? Шу... Лекин масалага бир томонлама, юзакилик билан ёндашиб бўлмайди. Албатта, йигитлар ҳам бу шов-шувнинг асосий қахрамонлари ҳисобланади. Яна ўйга толаман. Меҳнатда суяги қотган, норғул ва паҳлавон сифатида синглиси туғул, қўшни қизга-да ўзгаларнинг ёмон муносабатда бўлганини кўрса, бошлаб адабини бериб қўядиган, майда гаплардан тийилиб, оила шаъни ҳақида сўз кетса, ҳаммаша вазминлик билан қарор қиладиган, бегона аёлга ўз онаси, синглиси ё опасидай муносабатда бўладиган ўзбек йигитларининг аҳволи шуми? Шу...

кўринишида сақлаб олганларчи?.. Наҳотки, меҳр, эътибор, ахлоқ ва яхшиликнинг уруғи бўлган замонда яшаётган бўлсак. Бугун кимдир жанжаллашса, тасвирга оладиганлар кўпайиб кетган. Яна уларни яшин тезлигида интернетга жойлаш, кўпроқ одамларга юбориш, ижтимоий тармоқдаги машҳур каналларга тақдим этиш, биров сўз очса, «Шу видеони мен олганман-да. Лекин зўр томоша бўлганди-да», дея фахрланиб юриш оdatга айланди. Шуми, бизнинг аҳволимиз. Дўст йиғлаб, ганим қуладиган, йиллар давомида шаклланган қадриятларни қадрсиз қиладиган аҳволимиз...

Қани эди, сахналарда, минбарларда китобий фикрлар айтиб, гуррос-гуррос қарсақлар эшитадиган маърифатпарварлар чекка қишлоқларга бориб, мактабларни, маҳаллаларни оталиққа олишса;

Қани эди, битта мухташам бино қурилиб қолса, унга бағишлаб ўнта шеър ёзадиган, ўзларининг хушомадли, замирида мукофот қуттилган асарлари билан газета ва журналлар саҳифасини ўғирлайдиган баъзи ижодкорлар Қодирий, Чўлпон каби ҳақ сўзларни битиб, халқни, ёшларни маданиятсизликка, илмсизликка қарши исенкор руҳда тарбиялай олишса;

Қани эди, дилбузарга айланган ойинаи жаҳон ярим-яланғоч қизлар, уларга оч бўридай тикилган йигитлар ўртасидаги муносабатлар тасвирланган

сифатсиз, бемаъни киноларни, қўшиқларни, видео лавҳаларни эфирга узатмас... Балки, мана шу «қани эди»ларимиз ҳақиқатга айланиб, амалга ошганида ўзбекининг йигити қизлари ижтимоий тармоқларда шарманда бўлишмасди. Ҳа, ўзимизни ўзимиз шарманда қиляпмиз. Уришаётганлар ҳам, урушларни тасвирга олаётганлар ҳам, тасвирни кўраётганлар ҳам, шунчаки эътибор бермаётганлар ҳам биз...

Азиз газетхон, ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Айб кимда? Айбдор ҳаммамиз эмасми? Жуда тўғри топдингиз. Ҳаммамиз айбдоримиз, ҳаммамиз сабабчимиз. Шу ўринда, келинг, тафаккур қилайлик. Ўтган мантисиз воқеаларни қанча ёзмайлик вақт орта қайтмайди. Шундай экан, бўлғуси шармандаликлардан эҳтиёт чорасини кўрайлик. Иложи бўлса, келажакда шундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун бугундан ҳаракатни бошлайлик. Энг катта ҳаракат – бефарқ бўлмаслик. Энг катта ҳаракатсизлик – безътиборликдир. Ўйлайманки, ҳаракатдан тўхтамаймиз. Ўйлайманки, ўйлаганларимиз бир кун амалга ошади.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ,

Гулистон давлат университети талабаси

Эълон

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2020 йил 20 октябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уйда жойлашган, «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100% улуши қўйилмоқда:

Т/р	Хўжалик жамияти номи	Хўжалик жамияти		Аукционга қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Савдода иштирок этиш учун закат пули миқдори (3%)
		манзили	асосий фаолият йўналиши		
1.	«OMAD SUG'URTA» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй	Кенг қамровли сугурта хизматларини кўрсатиш	35 834 588 800,0	1 075 037 664,0

#### Сотувчи томонидан белгиланган очик аукцион шартлари:

Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг бўнак пули (аванс) сифатида камида 51 (эллик бир) фоиз миқдоридagi қисмини олди-сотди шартномаси асосида 60 (олтмиш) календарь кунда, қолган қисмини эса 12 (ўн икки) ой муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлари бажарилиши таъминланиши сифатида тўлаган закат пули шартнома суммасига киритилади.

Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор Аукцион ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- jisмоний шахслар учун – паспорт

(истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

■ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар, юқорида кўрсатилган закат пулини, Аукцион ташкилотчиси – «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, Аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан қопланади.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошлана-

ди ва савдо кунидан 1 (бир) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Мазкур улуш юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда, у бўйича такрорий аукцион савдолари, у сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу улуши сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очик аукцион белгиланган савдо кунлари – соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уй; телефон (78) 120-39-00.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона; телефон: (71) 209-23-41; теле-факс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Эълон

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ



2020 йил 22 октябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибдаги очик аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уйда жойлашган Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти балансидаги 2007 й. и/ч, д/р 01/316JBA, бошланғич нархи 21 217 600 сўм бўлган «ГБАСПГ ДАМАС»; 2003 й. и/ч, д/р 01/312JBA, бошланғич нархи 17 953 300 сўм бўлган «ДАМАС»; 2007 й. и/ч, д/р 01/314JBA, бошланғич нархи 21 217 600 сўм бўлган «ДАМАС» русумли; Тошкент ш., Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1А»-уйда жойлашган Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 01/667PGA, бошланғич нархи 18 885 902 сўм бўлган «GAZ-3102»; 2000 й. и/ч, д/р 01/252TBA, бошланғич нархи 22 663 082 сўм бўлган «GA3-3102»; 1998 й. и/ч, д/р 01/439ECA, бошланғич нархи 18 885 902 сўм бўлган «GA3-3102»; 1998 й. и/ч, д/р 01/265TBA, бошланғич нархи 11 331 541 сўм бўлган «GA3-3102»; 1995 й. и/ч, д/р 01/595WFA, бошланғич нархи 15 649 369 сўм бўлган «GAZ-31029»; 2000 й. и/ч, д/р 01/941VFA, бошланғич нархи 19 762 113 сўм бўлган «GAZ-3110»; 1997 й. и/ч, д/р 01/060BCA, бошланғич нархи 26 484 266 сўм бўлган «HEКСИЯ»; 1998 й. и/ч, д/р 01/632PGA, бошланғич нархи 26 484 266 сўм бўлган «NEXIA»; 1999 й. и/ч, д/р 01/614BCA, бошланғич нархи 18 213 660 сўм бўлган «ДАМАС»; 1992 й. и/ч, д/р 01/467TBA, бошланғич нархи 13 923 431 сўм бўлган «BA3-21063»; 1992 й. и/ч, д/р 01/869DCA, бошланғич нархи 9 336 373 сўм бўлган «YA3-3303OVH1»; 1986 й. и/ч, д/р 01/928ACA, бошланғич нархи 37 645 053 сўм бўлган «GA3-5227»; 1988 й. и/ч, д/р 01/365BCA, бошланғич нархи 30 116 043 сўм бўлган «CA3-3507»; 1988 й. и/ч, д/р 01/325BCA, бошланғич нархи 37 645 053 сўм бўлган «GA3CA3-3507»; 1982 й. и/ч, д/р 01/986KCA, бошланғич нархи 24 864 345 сўм бўлган «GA3-52»; 1975 й. и/ч, д/р 01/023KCA, бошланғич нархи 24 864 345 сўм бўлган «GA3-52» русумли автотранспорт воситалари ҳамда 1999 й. и/ч, д/р 01DA104, бошланғич нархи 240 949 875 сўм бўлган «SOLAR-130W» русумли экскаватор ва 1999 й. и/ч, д/р 01/322BCA, бошланғич нархи 161 793 057 сўм бўлган «ДЭУКC-1256M» русумли автокран қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш ҳамда тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузилгунга қадар закат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар улар ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

312 KB

242 KB

» Байрам шукухи давом этмоқда

“Улуғ халқ қудрати жўш урган замон...”



Энг улуғ, энг азиз байрам – Истиқлол шукухи ҳамон қалбларда акс-садо бериб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб эзгуликка йўғрилган байрамона тадбирлар давом этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани маданият марказларида ҳам куз фаслининг илк кунидан бошланган мустақиллик шодиёналари, байрам концертлари онлайн тарзда бўлса ҳам, одамларга шод-хуррамлик

бағишламоқда.

“Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида тайёрланган байрам дастурида халқ ҳаваскорлик жамоалари хонандалари, бахшилар ва истеъдодли ёш хонандалар иштирок этиб, дилтортар куй-қўшиқлар, достону алёр, гўзал рақслари билан барчанинг кўнглини кўтарди. Отажон Худойшукуров номидаги маданият мар-

кази ходимлари эса “Улуғ халқ қудрати жўш урган замон” мавзусидаги концерт дастурини туманнинг таниқли санъаткорлари иштирокидаги жонажон Ватан, Истиқлол неъматлари ҳақидаги энг янги қўшиқлар, мақом ашулалари, истеъдодли ёш бахшилар ижросидаги достон, айтимлар билан жонли эфирда туман аҳолисиغا тухфа этишти.

С.ЭШМАТОВА

» Аънавий меъморчилик

## Ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъати

Ўзбекистон амалий санъатида ёғоч ўймакорлиги ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу санъат тури усталари нафақат маиший буюмлар, балки уй жиҳозлари (устун, эшик, дарвоза ва б.ш) безашда ҳам фаол бўлишган. Ёғоч ўймакорлигининг ривожланиши ўтмишда маҳаллий меъморчилик конструкциялари ва деталлари тузилишига боғлиқ бўлган. Ундаги устун-тўсиқ бино устунини ёпиш тизими ёғоч материалларидан кенг фойдаланишни тақозо этган.

XIX-XX асрларнинг умумий аънавий меъморчилиги ҳақида унинг мавжуд асл намуналарига қараб баҳо бериш мумкин. Ўйилган нақш бино безагининг бирдан-бир элементи бўлиб хизмат қилган: эшик, дарча, дарвоза, том тўсинлари, ёпиқ шийпон ва айвонлар устунлари. Нақшли ёғоч биноларни безашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга рўзгор буюмларини ясашда ҳам кенг қўлланилган. Жумладан: ўрин тахта, жавон, қути, қаламдон, серҳашам хонтахталар, миллий мусиқа асбоблари, шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Европа шаҳарлари аҳолисига манзур бўлган кўп қиррали стол-тумбаларда кенг фойдаланилган. Сўнгги асрларда ўзбек ўймакорлигининг тасвирий услублари хилма-хил бўлган. Бунинг учун маҳаллий дарахтларнинг энг аъло навлари: ёнғок, чинор, қайрағоч, арча, тут, терак, ўрик кабилар ишлатилади. Ҳозирги замон усталари бошқа жойлардан келтирилган дарахт ёғочларидан ҳам фойдаланишда ва булар асосан эман, қарағай дарахти ёғочларидир.



Ёғочнинг гўзаллигини сақлаб қолиш ва янада ошириш ўзбек халқ усталарининг асосий мақсадларидан биридир. Ўймакорликнинг қалин нақшлари ўз рельефи билан ёғоч сатҳини турлантиради ва шу билан бирга унинг табиий гўзаллигига нуқсон етказмайди, аксинча ранг хусусиятларини янада очиб беради. Ҳозирда нақшли ёғоч ўтган асрлардаги каби машҳур безак ҳисобланмаса-да, миллий санъатнинг жонли ва тараққий топаётган тури бўлиб келмоқда. Ўтмишда машҳур бўлган Хива ва Кўкун ўймакорлик мактаби ўз бадий қимматини сақлаб қолмоқда.

**Б.НАЗАРОВ,**  
Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бош мутахассиси

» Хориждаги бойликлар

## Бухоро амирининг Ялтадаги саройлари

1885 йилдан 1910 йилгача Бухоро амири бўлган Саййид Баҳодир Абдулахадхон ўз ҳукмронлик даврида Россия ҳудудларида бир нечта сарой ва бинолар қурдирган. Жумладан, Ялта шаҳрида ҳам икки жойда сарой бунёд этган. Биттаси Қораденгиз соҳилига яқин ерда жойлашган бўлса, иккинчиси денгиз соҳилидан икки чақирим тепароқда. Денгиз соҳилига яқин жойдагиси ўзига хос кўринишга эга бўлиб, 1898 йилда амир томонидан сотиб олинган ер участкасига 1907-1911 йилларда тўртта иншоот қурилган. Сарой лойиҳаси таниқли меъмор Николай Тарасовга тегишли бўлиб, Мавритания ва шарқона услубларнинг ўзаро уйғунлиги асосида барпо этилган. Саройга амир томонидан «Дилқушо» деб ном берилган. Саййид Абдулахадхонга саройнинг тўлиқ битишини кўриш nasib қилмаган. Отаси бошлаган ишни унинг фарзанди Олимхон ниҳоясига етказган. Совет ҳокимияти ўрнатилгач сарой давлат фойдасига мусодара этилган ва 1921 йилнинг 25 март кунини сарой биносига Шарқ музейи очилган. Денгиз соҳилидан икки чақирим узоқликдаги тоғ ёнбағридаги сарой ва у жойлашган парк ҳам давлатга ўтказилиб, Қрим Марказий Ижроия Кўмитасининг 1924 йил 23 май кунги қарори билан Ўзбекистон меҳнаткашларига абдий фойдаланиш учун топширилган. Сарой дастлабки фаолиятини 1924-1927 йилларда дам олиш уйи сифатида бошлаган. 1927 йилдан «Ўзбекистон» санаторийсига айлантирилган ва ҳозирги кунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шарқ музейи очилган саройда музей фаолияти йўлга қўйилган. 1921 йилда Қримдаги

кўплаб мусодара қилинган саройлар сихатгоҳларга айлантирилиши муносабати билан у саройлардаги тўрт мингга яқин санъат асарлари Ялтанинг халқ-бадий музейи ва шарқ музейларига топширилган. Шарқ музейидаги дастлабки кўргазма тўртта бўлимдан иборат бўлиб:

- Форс бўлими. Ушбу бўлимда асосан қадимий Эрон гиламлари намойишга қўйилган;
- Араб бўлими. Қадимий қурол-яроғлар ва буюмлар намойишга қўйилган;
- Бухоро бўлими. Ўзига хос, бетакрор, қадимий Бухоро гиламлари намойиш қилинган;
- Қрим татарлари бўлими. Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи акс эттирилган.

1925-1926 йилларда музей фонди князь Ф.Ф.Юсупов саройидан келтирилган экспонатлар билан бойитилган. 1927 йилги Қримдаги ер қимирлаши музей биносига ва унда сақланаётган экспонатларга катта зиён етказди. Намойишга қўйилган вазалар, чинни ва сопол буюмлар синган, гиламлар деворлардан кўчиб тушиб, сувоқ парчалари остида қолган. 1928 йилда музей биносига таъмирлаш ишлари ниҳоясига етади ва яна зиёратчиларни қабул қилишни бошлайди. Музей таъмирлангач, унда Ўрта Осиё бўлими ҳам ташкил этилади. 1932 йилда «Крымсоюззаготэкспорт» ташкилоти томонидан қирқдан зиёд ноёб гиламлар чет элда сотиш учун олинган бўлса, 1934-1936 йилларда ноёб экспонатларнинг бир қисми Қримдаги бошқа музейларга, Москва, Ленинград ва Тожикистондагилар-

ни бойитиш учун юборилган. 1937 йилда «Совет Ўзбекистони» номли кўргазмада намойишга қўйилган барча экспонатлар Шарқ музейига топширилган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, немис-фашистлари Қримга яқинлашганларида музейдаги экспонатларнинг бир қисми Қозоғистондаги Уральск шаҳрига эвакуация қилинган. Бироқ барча экспонатларни музейдан олиб кетишга улгуришмаган. Фашистлар томонидан Ялта шаҳрини эгаллаш жараёнида музей биносига ёнгин келиб чиққан. Уни бартараф қилган музей ходимлари 1400 та экспонатни ўқитувчилар уйи биносига яширишган. Фашистлар томонидан музейдаги XVIII ва XIX асрларга оид 86 та гиламлар, 310 та Япония ва Хитойда ишлаб чиқарилган вазалар, фил суягидан ясалган 18 та экспонат, бадий каштачилик маҳсулотлари ва металл буюмларни олиб кетишган. Шунингдек, 320 дона эронлик ёғоч ўймакорлари томонидан ясалган ноёб санъат асарлари, матолар, каштачилик намуналари талон-тарож этилган. Булар ичида XVII асрга оид эронлик бой хонадонига мансуб аёлнинг пардоз қилаётгани тасвирланган панно ва ўша даврга оид 7 дона вазалар бўлган. Фашистлар улардан ташқари араб, турк ва ўзбек усталари томонидан яратилган санъат

асарларини ҳам йўқ қилишган. Йўқотилган экспонатлар қаторида эрамыздан олдинги VII-VI асрда греклар Қримда яшаган даврга оид 669 та экспонат ҳам бўлган. Қирим ярим оролидан фашистлар қувиб чиқарилгач, Шарқ музейини тиклаш ишлари олиб борилган. 1944 йилнинг ноябрь ойида Қозоғистоннинг Уральск шаҳрига эвакуация қилинган музей экспонатлари Ялта шаҳрига қайтариб келинганида ҳам уларнинг бир қисми йўқолгани аниқланган. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Шарқ музейи жойлашган Бухоро амири томонидан қурилган саройга катта талофат етгани боис музей бошқа жойга кўчирилган. Омон қолган сарой биноси Қора денгиз флоти санаторийси ихтиёрига топширилган. Ҳозирги кунда ҳам Бухоро амирининг саройи Россия Федерациясининг Қора денгиз флоти «Ялта» номли сихатгоҳи кутубхонаси сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама юқори даражадалигидан келиб чиқиб, сарой биносини Ўзбекистон ихтиёрига қайтариш масаласи қўйилиб, сарой қайтарилган тақдирда, у ерда музей ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ғ.АЛИЖОНОВ, Марғилон шаҳар тарихи музейи мудири**

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:  
«Dildosh media» МЧЖ,  
ҳамкор:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир  
Дилбаҳор Худойбердиева  
Таҳририят манзили:  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас  
Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан  
10.04.2018 й. 0803 рақами  
билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 8329 Буюртма - Г - 927  
Сотувда келишилган нарҳда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета «Шарқ» нашриёт-  
матбаа акциядорлик компани-  
ясида босмахонасида  
чоп этилди.

Қорхона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41.  
Босмахонага топшириш  
вақти - 22.00  
Топширилди - 21.30  
1 2 3 4 5 6